



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 214 (11.775)

Баҳоси эркин нархда

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззах политехника институтида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан «Мингйиллик ривожланиш мақсадлари: мулоҳаза, муносабат ва таҳлил» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

● Тайлоқ туманида картошка уруғи тайёрлашга ихтисослашган «Ян Гу – Боғизагон агро» қўшма корхонаси иш бошлади. Корхонада уруғлик картошка саноат усулида тайёрланади. Бу эса унинг нархи арзон, сифати юқори бўлишини таъминлайди. Шунингдек, ўсимлик турли касалликларга чалинишининг олди олинади. Янги корхона иш бошлаши билан 120 киши доимий иш жойига эга бўлди.

● Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида «Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда жамоат ташкилотларининг ролини ошириш» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Тадбирда туман хотин-қизлар кўмиталари раислари, «Маҳалла» жамғармаси, сиёсий партияларнинг «Аёллар қаноти», «Ёшлар қаноти» аъзолари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирок этди.

● Самарқанд вилоятида таълим муассасаларини мавзусига тайёрлаш борасида белгиланган барча чора-тадбирлар якунига етказилмоқда. Мавжуд 1 минг 979 мактаб, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб ва мактаб-интернатлар, мусиқа мактабларида куз-қиш мавсумига кенг миқёсда тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

● Нукусда шаҳарсозлик ва қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида турар жойлар қурилишини янада такомиллаштиришга бағишланган минтақавий кўргазмалар семинари бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Хитойда иккита шаҳарни боғловчи метрополитен йўли барпо этилди. Хабар берилишича, ушбу метрополитен Гуанчжоу ва Фошань шаҳарларини боғлайди.

● Комор ороллари байроғи остида сузган «Али Зулфиқор» кемаси чоршанба кuni сомалилик қароқчилар томонидан қўлга олинди. Кема Комор архипелаги ва Танзаниянинг Дор-ус-Салом порти орасида денгиз йўлтўсарлари ҳужумига дуч келди. Бу ҳақда Евроиттифоқ аксилқароқчилик коалицияси штабидаги манбага таянилиб, хабар қилинмоқда.

● Россия прокуратураси тергов бошқармаси мамлакат Давлат думаси депутати Ашот Елизарянга нисбатан жиноий иш қўзғатмоқчи. У қаллобликда айбланмоқда.

● Калифорния штатининг Лос-Анжелес шаҳридан 200 километр узоқликдаги сув ҳавзасида ақула 19 ёшли ўсмирга ҳужум қилди. «Assjiated Press» хабарига қараганда, Лукас Рэнсом исми ўсмир кўп қон йўқотиши натижасида қирғоққа олиб чиқилгач, ҳаётдан кўз юмган.

● АҚШ Федерал заҳира тизими (ФЗТ) жаҳон молиявий инқирозидан кейин мамлакат иқтисодиётини рағбатлантиришга йўналтирилган янги чора-тадбирларни эълон қилди.

● Италияда илк маротаба жарроҳлик роботи ёрдамида ошқозонни безини кўчириб ўтказиш амалиёти амалга оширилди. Ушбу амалиёт 27 сентябрда Пиза университети шифохонасида Da Vinci SHDI роботи ёрдамида амалга оширилган.

ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

«Ўзэкспомарказ»да 4 ноябрь кuni «Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – САТМЕ 2010» ва «Текстиль ва Мода – Textile Expo Uzbekistan 2010» Марказий Осиё халқаро кўргазмалари очилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Осиё рамзи» модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «ITE Uzbekistan» ва «I.T.E. Exhibition & Conferences Ltd» (Буюк Британия) халқаро кўргазма компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазмаларнинг очилишида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси И.Ҳайдаров мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида тўқимачилик саноатида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Бу борадаги савий-ҳаракатлар замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган корхоналар, жумладан, хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиш, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар экспортини ошириш, барқарор иқтисодий тараққиётга хизмат қилаётди.

Ўзбекистонда тўқимачилик билан боғлиқ жараёнлар изчил такомиллаштирилмоқда. Илғор ва замонавий технологиялар билан таъминланган тўқимачилик корхоналари сони йил сайин ошмоқда. Соҳада босқичма-босқич тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилиб, корхоналарни илғор технологиялар ва замонавий техника билан жиҳозлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган ишлар давом эттирилмоқда, янги қувватлар ишга туширилмоқда. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларга нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб катта. Ўзбек миллий матоларидан тай-

ёрланган маҳсулотлар юқори сифати, табиийлиги, қулайлиги ва замон талабларига мослиги билан ажралиб туради.

Мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур кўргазмаларда бу гал Ўзбекистон, Германия, Италия, Франция, Австрия, Бельгия, Швейцария, Беларусь, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Россия, Покистон ва Туркия каби йигирмага яқин мамлакатдан қарийб 200 фирма ва компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда.

Кўргазмаларда жаҳон тўқимачилари ҳамжамиятининг етакчи вакиллари нафақат соҳани ривожлантириш истиқболлари, балки мамлакатимиз тўқимачилик саноати салоҳиятини юксалтириш стратегияси билан ҳам яқиндан танишиш, савдо шартномалари тузиш имконига эга.

– Компаниямиз тўқимачилик саноатида қўлланиладиган замонавий ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаради, – деди УЗА муҳбирига Хитойнинг «Henan A One Textile Machinery Industrial & Trading» компанияси менежери Фан Ли Жинг. – Ўзбекистонда барча соҳалар қатори тўқимачилик саноати ҳам жадал ривожланаётганига гувоҳ бўлдик. Хар йили турли мамлакатларда ўтказиладиган кўлаб кўргазмаларда қатнашамиз. Тошкентдаги анжуманда иштирок этиш биз учун ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Бизнес одамлари учун истиқболли бўлган Ўзбекистон бозорига ўз ўрнимизни кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Кўргазмалар тўқимачилик саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Унда тўқимачилик технологиялари, жумладан, мато ва чарм тайёрлаш, бўяш, ишлов бериш, компрессор ускуналари, тикув ва тўқув машиналари, бўёқлар ва кимёвий моддалар, тўқимачилик саноати учун дастурий таъминот, мавсумбоп кийимлар, ярим тайёр маҳсулотларнинг намуналари, фурнитурга ҳамда техник хизмат кўрсатишга оид бўлимлар бор.

– Сунъий мўйна ишлаб чиқаришга ихтисослашган компаниямиз ўттиз йиллик таърибага эга, – деди Беларуснинг «Белфа» компанияси маркетинг-менеджери Сергей Борисевич. – Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан самарали ҳамкорлик қилиб келямиз. Ушбу кўргазмада ҳам мунтазам иштирок этамиз. Айтиш жоизки, кўргазма иштирокчилари сони йилдан-йилга ошмоқда ва жўррофияси ҳам кенгаймоқда. Бу эса хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистон бозорига қизиқиши ортиб бораётганидан далолатдир. Ўзбекистонлик шерикларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш юзасидан мулоқотлар ўтказиш, қатор савдо шартномалари имзолаш ниятидамиз.

Уч кун давом этадиган ушбу кўргазмалар мамлакатимиз ва хориждаги тўқимачилик корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларни намойиш этиш, ўзаро ахборот ва таъриба алмашиш, савдо шартномалари ва ҳамкорлик битимлари имзолаш, кўп томонлама алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ирода УМАРОВА

ИННОВАЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Инсоният фаровонлигини янада юксалтириш, барқарор ривожланишни таъминлаш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратларини енгишда илмий ва интеллектуал салоҳият ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис жамиятни инновацион ривожлантириш дунё миқёсидаги энг муҳим масалалардан бирига айланган.

Пойтахтимизда бошланган фан, технология ва инновация соҳасидаги статистика ва кўрсаткичлар бўйича Марказий Осиё минтақавий анжумани ҳам айни шу мақсадларга хизмат қилади. Ўзбекистон Фанлар академияси, БМТнинг таълим, фан ва

маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО, Ислам конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – АЙСЕКО ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда фан, технология ҳамда инновация соҳа-

сида фаолият юритаётган юртимиз олимлари билан бир қаторда Россия, Қозоғистон, Озарбойжон, Беларусь, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистондан келган мутахассислар ҳам иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛЧИЛАРИ – ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ФИНАЛИДА

Пойтахтимизда футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида давом этаётган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси финалга йўлланма олди.

Чорак финал учрашувида Сурия ўсмирлар терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, келаси йили Мексикада ўсмирлар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган ҳамюртларимиз ярим финалда Австралия футболчилари билан куч синашди.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларининг чиройли, тезкор ва ҳужумга бой ўйини «Пахтакор» марказий стадионига йиғилган мухлисларни хушнуд этди. Авст-

ралия ўсмирлар терма жамоаси футболчилари ўзбекистонликларнинг тезкор жамоавий ўйинига етарлича қаршилиқ кўрсата олмади. Вакилларимизнинг кетма-кет ҳужумлари 16-дақиқада ўз самарасини берди. Терма жамоамиз сардори Аббос Махситалиев йигирма метр узоқликда белгиланган жарима тўпини тўғри Австралия ўсмирлар терма жамоаси дарвозаси тўрига жойлаб, ҳисобни очди.

(Давоми 4-бетда)

Кўргазмалар

АСОСИЙ МАҚСАД – МИЖОЗЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Кооперацион биржа шаклида ташкил этилган ушбу тадбирнинг очилиш маросимида банкнинг республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 100 дан зиёд мижозлари иштирок этди. Сўзга чиққанлар очик акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг ўтган йиллар давомида эришган асосий ютуқлари, мижозлар ишончини оқлашдаги савий-ҳаракатлари, энг асосийси – иқтисодиётимиз ривожига, аҳоли фаровонлиги ортишидаги ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

– Фаолиятимиз давомида «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойилига амал қилиб келмоқдамиз, – дейди

«Алоқабанк» бошқаруви раиси ўринбосари Шарофиддин Баҳридинов. – Шу ўринда кўргазма доирасида «Мижозлар клуби»га асос солинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бу ўзига хос тузилма мижозларнинг инновация лойиҳалари, товар ва хизматлари бозорига кириб боришида қўллаб-қувватлаш, ҳамкорлик қилишга шарт-шароитлар яратишда яна бир амалий қадамдир. «Алоқабанк» ўз фаолиятини 4 миллион сўм низом жамғармасидан бошлаб, бугунга кунда бу кўрсаткич 43 миллиард сўмни ташкил этади. Мижозларимиз 110 мингдан ошганлиги ҳам катта ютуқ деб биламиз. (Давоми 2-бетда)

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **СЕРГЕЛИ** тумани ҳокимлигида вояга етмаганлар тарбиясининг ҳуқуқий асослари мавзусида ўтказилган семинарда туман фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирок этди.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси ташаббуси билан «Миллий хунармандчилик ривожига – қадриятларимиз бардавонлиги» мавзусида кўрик-танлов ташкил этилди.

✓ **МАЪНАВИЯТ** тарғибот маркази шаҳар бўлими Тошкент молия институти билан ҳамкорликда «Ёшларнинг маънавий дунёсини кенгайтиришда миллий қадриятлар ўрни» мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди.

АСОСИЙ МАҚСАД — МИЖОЗЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айтиш жоизки, банк дастлаб фақат алоқа корхоналарига хизмат кўрсатган бўлса, ҳозирда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳалари билан ҳамкорлик ўрнатган. Шунингдек, хорижий шериклар билан ҳам ришталар кенгайиб бормоқда.

Икки кун давом этадиган кўрғазма-нинг асосий мақсади ҳам миҳозлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, улар фаолиятини барқарорлаштириш, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ҳамда кўрсатётган хизматларига жамоатчилик эътиборини кенг жалб этишидир.

Айтиб ўтиш жоизки, банк билан ҳамкорлик қилиб, дадил одимлаётган ва иқтисодиётимиз ривожига лушчи ортиб бораётган корхоналар кўп. Жумладан, «Oil Baraka Fayz» масъулияти чекланган жамияти банкнинг 1,1 миллиард сўмдан зиёд молиявий кўмагидан фойдаланган ҳолда цехларни замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлаб, 180 та қўшимча иш ўрни яратди. Ҳозирда маҳаллий хом ашёдан рақобатбардос маҳсулотлар ишлаб чиқараётган бу корхонада кредитнинг 70 фоиздан ортиги-

ни қайтаришга муваффақ бўлинди.

— Ўтган йилда «Алоқабанк»дан 70 миллион сўм кредит олиб, замонавий жиҳозлар харид қилдим, — дейди «Race Horse Saman» хусусий фирмаси директори Маҳмадмурод Тулаков. — Ана шу асосда ҳозирда маҳаллий чармдан фойдаланган ҳолда эркаклар учун бирмунча арзон пойабзаллар тайёрлаяпмиз. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот рақобатбардослигини ошириб, ички бозорни импорт ўрнини босувчи пойабзаллар билан таъминлаш мақсадида хориждан янги технологик линия келтиришни режаланганмиз. Бунда банк кўмагидан умидвормиз.

Кўрғазма доирасида «Unicon.uz» давлат унитар корхонаси иштирокчилари учун «Интернет-банк» тизимида ахборотларни муҳофаза қилиш омиллари, «Ахборотларни муҳофаза қилиш тизими» мавзуларида семинарлар ташкил этди.

БУГУН кўрғазмада омонатлар, пластик карточалар, халқро пул ўтказмалари ва «Интернет-банк» бўйича виторина ва акциялар ўтказилди. Ташриф буюрувчилар муайян вақт ичида банк-



нинг кўнгина турдаги замонавий хизматларидан фойдалана олиш имкониятидан баҳраманд бўлди. Тадбир доирасида бўлиб ўтган давра суҳбатида миҳозлар ва банк мутахассислари, турли ташкилот ва муассасалар вакиллари иштирок этди. Мунозара шаклида ўтказилган мулоқот давомида «Алоқабанк» фаолиятида банк хизматларини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Шуниси эътиборлики, маҳсулот харид қилиш ва хизматлардан фойдаланиш истагини билдирганларга шартномалар имзолаш учун имкониятлар ҳам яратиб берилди.

Тадбир якунида кўзда тутилган турли номинациялар бўйича голиблар аниқланиб, совринлар топширилди.

Шарифа ИЛЁСОВА
Ҳақимжон Солиқов олган сурат

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш йўлида зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш, болалар спортини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«НАВРЎЗ»НИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Ушбу вазифалар ижроси мактабгача таълим муассасаларида ҳам изчил таъминланмоқда. Уларда фарзандларимизнинг машгулотлар билан шуғулланиши, дам олиши, овқатланиши учун замон талабларига жавоб берадиган шароит яратилмоқда. Спорт майдончалари барпо этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимизнинг Яққасарой туманида жойлашган «Наврўз» болалар боғчасида 160 нафардан зиёд тарбияланувчи учун барча шароит-

лар яратилган. Боғчада ташкил этилган хорижий тиллар, рақс ҳамда турли спорт тўғрақлари фарзандлар камолига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли маскур мактабгача таълим муассасаси Баркамол авлод йили муносабати билан капитал таъмирдан чиқарилиб, замонавий ахборот технологиялари билан таъминланди. Бу ерда спорт майдончаси ва жонли табиат бурчаги ташкил этилди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Шавкат Солиқов, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Эспиналь Президент Ислам Каримов раҳбарлигида илм-фан фаолиятини такомиллаштириш ва инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар мамлакатни модернизация қилиш жараёнида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Фан, таълим ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, малакали кадрлар тайёрлаш, илмий салоҳиятни кўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқот ишларини юқори технологиялар асосида амалга ошириш учун зарур имконият-

ИННОВАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

ларни яратиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидандир.

Илмий-интеллектуал салоҳиятни тўла рўёбга чиқариш борасида яратилаётган ана шундай қулай муҳит натижасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда. Юртимизда аънанавий тарзда ўтказилаётган инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси фан ва ишлаб чиқариш ўртиндаги ҳамкорликни янада муностаҳкамлаш, инновацион фаолиятни кўллаб-қувватлаш, сиёсат, иқтисодиёт тармоқлари-

га илгор технологияларни кенг жорий этишда юксак самара бераётди.

Икки кун давом этадиган минтақавий анжуманда миллий ва халқаро экспертларнинг фан, технология ва инновация соҳасидаги халқаро тажрибалар, бу борада юртимизда эришилаётган ютуқлар, иқтисодиётни ривожлантиришда илм-фан салоҳиятидан оқилона фойдаланиш масалалари, илмий-техникавий салоҳиятни юксалтиришга хизмат қиладиган индикаторларни ишлаб чиқиш ва ундан амалда самарали фойдаланиш билан боғлиқ долзарб вазифаларга оид маърузалари тингланади.

Тошкентда «Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини муостаҳкамлаш масалалари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Конрад Аденауэр номидаги жамғарма (Германия) томонидан ташкил этилди.

Форумда Буюк Британия, Германия, Хиндистон, Хитой, Покистон, Россия, Словения, АҚШ, Украинадан экспертлар, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги мувофиқлаштирувчи офиси, Миллий демократия институти (АҚШ), Тошкентда фаолият кўрсатётган бошқа халқаро ташкилотлар ва дипломатик миссиялар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари, марказий, маҳаллий ҳамда партия нашрларининг бош муҳаррирлари ва етакчи журналистлари, олий ўқув юртлири ўқитувчилари қатнашди.

Конференцияни ўтказишдан мақсад, фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини муҳокама этиш, уларнинг фаолиятида ҳуқуқий ва ташкилий базани ривожлантириш борасида тажриба алмашиш, демократик ислохотларни амалга оширишда давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш, сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигини, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг жамоат назорати вазифасини самарали бажаришини таъминлашдан иборат. Бундан ташқари, мунозаралар чоғида тадбир иштирокчилари замонавий ахборот-коммуникация ва инновация технологиялари масс-медиясидан фойдаланиш, оммавий ахборот воситалари учун ижодий ва техник кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш, журналистларнинг касб маҳоратини ошириш борасида ҳам тажриба алмашиди.

Хорижий экспертлар Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти институтлари тизими ва уни шакллантиришда, давлат ва жамият қурилиши соҳасида кенг қўламли демократик ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида транспарентлик ва ошқораликни таъминлашда муҳим ўрин тутишини таъкидладилар. Мамлакатимизда оммавий ахборот

воситалари фаолиятини тартибга солишдан ва халқро нормаларга жавоб берадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида»-ги ва демократия шароитида оммавий ахборот воситаларини эркин ҳамда мустақил ривожлантиришга оид қатор бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир. Ўзбекистон оммавий ахборот

Миллий оммавий ахборот воситалари фаолияти сифатини ошириш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида уларнинг ўрнини муостаҳкамлаш учун журналистик фаолияти соҳасидаги қонунчиликни, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш шароитларини янада такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш зарурлиги қайд этилди. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг янада очiq ва ошқорали-

мократия принципларининг қарор топишида муҳим роль ўйнайдиган миллий масс-медиялар алоҳида ўринга эга. Мен Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг ривожланишини диққат билан кузатиб келаман. Мамлакатимиз мустақиллик эришган, ушбу соҳада улкан ўзгаришлар рўй берди. Чунончи, миллий медиа маконида кўллаб хусусий газеталар, журналлар, теле ва радиоканаллар пайдо бўлиб, интернетдан фойдаланувчилар сони жадал қўлайиб бормоқда. Натияжада, эркин фикр билдириш ҳуқуқини амалга ошириш,

салан, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқат билан ўзаро ҳамкорлигини жадал ривожланиб бораётган жараён дейиш мумкин. Демократик мулоқот орқали муроасага келиш ва ўзаро англашишга эришиш мумкин».

Светлана ЛИСОВА, Иваново давлат энергетика университети доценти (Россия): «Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнини ҳаракатга келтирувчи ижтимоий омил ҳисобланади. Ўзбекистонда нотижорват оммавий ахборот воситалари секторини ривожлантиришда катта ўзгаришлар бору, жумладан, партия матбуоти ҳам фаол иш олиб бормоқда. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида турли сиёсий платформалар, фикрларнинг берилаётгани катта ютуқдир. Фуқаролик жамиятининг моҳияти ҳам айнан шунда бўлиб, оммавий ахборот воситалари гоғларни илгари суради, фикр-му-

Сажжид МАЛИК, «Дэйли ньюс» газетаси катта муҳаррири (Покистон): «Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қонунчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлат миллий оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнини кўллаб-қувватлаётгани ҳам эътиборга молик. Расмий ҳокимиятнинг масс-медия билан бундай самарали муносабатини ҳамма жойда ҳам учратиш бўлмайди. Шунинг билан айтиш мумкин, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари самарали, мустақил ва эркин фаолият кўрсатмоқда, улар ҳуқуқат билан аҳоли ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтамоқда, мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган демократик ислохотларнинг мақсадларига эришишда ижобий роль ўйнамоқда».

Мая ЖИДАРЖИЧ, «Минтақавий мулоқот» нодавлат ташкилоти директорининг ўринбосари (Словения): «Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг қарор топишида муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбекистоннинг кучли ва мустақил оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги тажрибаси халқаро экспертларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Негаки, бундай оммавий ахборот воситаларининг мавжудлиги жамиятнинг демократлашгани ва ошқоралигидан далолат беради. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида турли фикрлар ва материалларнинг берилаётгани медиа бозорини ривожлантиришда ижобий тенденция мавжудлиги, унинг иштирокчилари ўртасида эса рақобат пайдо бўлаётганидан далолат беради. Шуниси эътиборлики, кўнгина нашрлар инглиз тилида ҳам чоп этилмоқда. Шу сабабли мамлакатимиз ҳақида ахборот олишда мен учун ҳеч қандай қийинчилик тутилган йўқ».

Мухтасар айтганда, конференция иштирокчилари тадбир якунлари бўйича Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари жадал ривожланаётгани, мамлакатимизда тобора чуқурлашиб бораётган демократлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни доирасида ушбу соҳа янада эркинлаштирилаётгани ва бу дунёнинг қўллаб-қувватлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин, деган хулосага келди.

Шарофат БАҲРОМОВА (Ўза)

ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

рот воситалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини амалга ошириш бўйича ўз вазифаларини фаол бажармоқда, улар мамлакатимизда ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият»га айланмоқда. Оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштиришга ижобий таъсир ўтказиши мумкин. Мамлакатимизда фаолият кўрсатётган ҳар бир сиёсий партия ўз босма нашрига эга бўлиб, партия матбуотининг фаолияти ошмоқда. Экспертлар буларнинг барчаси Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича ислохотлар изчил амалга оширилаётганидан далолат беришини таъкидлади.

Тадбир қатнашчилари мамлакатимиз ва хориж тажрибаси асосида оммавий ахборот воситаларининг молиявий мустақиллигига устувор аҳамият берган ҳолда, уларнинг иқтисодий базасини муостаҳкамлаш зарурлигига эътибор қаратдилар. Бу эса, ўз навбатида, улар яратётган маҳсулот — ахборотнинг ҳолислигига, сифати ошишига ва жамият томонидан унга талаб қўйишига ижобий таъсир кўрсатади.

гини таъминлашга хизмат қиладди.

Чанг БИН, эксперт (Хитой): «Ўзбекистонда мустақил оммавий ахборот воситалари жамият ва давлатнинг ривожланишига муайян хисса қўшмоқда. Сўнгги пайтда янги электрон оммавий ахборот воситаларининг пайдо бўлаётгани ахборот соҳаси гоғат жадал ривожланаётганидан далолат беради. Фуқароларнинг ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш — бу оммавий ахборот воситаларининг бурчи, демократик ҳуқуқатнинг принциpidир. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари бундай ахборотни етказиб беришда платформа вазифасини ўтамоқда ва ҳуқуқат ҳамда жамоатчиликнинг самарали ҳамкорлик қилишида муҳим роль ўйнамоқда».

Дхар Мохар ҚРИШЕН, «Политикал инвентс» журнали шарҳловчиси (Хиндистон): «Ўзбекистонда сиёсий ислохотлар давомида Президент Ислам Каримов раҳнамолигида парламентаризмни ривожлантириш, қўп партияли тизимни яратиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ушбу серриржа жараёнда жамият онгиде де-

фикрлар хилма-хиллиги, мавзу ва воқеаларни ёритишга турлича ёндашиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Ўзбекистон сиёсий партияларининг ўз босма нашрига эга бўлиши уларнинг сиёсий фаолияти самарадорлиги ва оммавийлигини оширишга хизмат қилмоқда. Холбуки, дунёнинг ақсарият давлатларида сиёсий партиялар бундай имкониятга эга эмас».

Виктор ЯКОВИЧ, «Якович интернешнл» компанияси президенти (АҚШ): «Ўзбекистон Марказий Осиёда, шу жумладан, минтақавий ахборот воситаларида етакчи мамлакат ҳисобланади. Мамлакатимиз ривожланиши бўйича миллий анъаналар, ўзига хос хусусиятлар ва миллий манфаатлар ҳисобга олинган ҳолда оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш борасида орттирган катта тажрибадан бошқа мамлакатлар ҳам фойдаланиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, бугун газета, радио, телевидение каби аънанавий оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда давлат ҳамда фуқаролар учун катта имконият яратётган ахборот алмашиш ва уни етказиб беришнинг янгида-янги шакллари пайдо бўлмоқда. Ма-

лоҳаза қилишга, сиёсий жиҳатдан камолга эришишга қўмақлашади».

Богдан БАБИЧ, Амаллий сиёсат институти директори (Украина): «Ўзбекистонда жамият ҳам, медиа соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Бугун мамлакатимиз медиа маконида нодавлат сектор кенг фаолият кўрсатмоқда. Бу журналистлар янада эркин ижод қилаётгани, оммавий ахборот воситалари эса тобора мустақил бўлиб бораётганидан далолат беради. Ўзбекистон матбуотини ўрганиш шунини кўрсатдики, журналистлар жиддий мавзулар устида ишламоқда, жамият учун муҳим масалаларни кўтариб чиқмоқда ва уларни ҳал этишга ёрдам бермоқда. Мамлакатимизда ахборот соҳасини янада ривожлантириш мақсадида зарур қонунлар қабул қилинмоқда. Бундан ташқари, бу ердаги мавжуд реал кўп партияли тизим партия матбуотини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон шу тариқа сўз эркинлигини таъминлашда улкан муностаҳкамлашда кўлга киритмоқда. Буларнинг барчаси мени жуда қувонтиради».

Иқтисодиёт

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашда замонавий технологияларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

«Хорij Qurilish Texnologiya» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш жараёни илгор немис технологиялари асосида тайёрланади.

Мақсур корхона республикаимиз бозорида қилган конструкцияли ва иссиқликни сақловчи қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда етакчилардан саналади. Бу ерда тайёрланган пенобетон, пеноблок, пеноконцентрат, қуруқ аралашмалари бир қатор афзалликлар билан ажралиб туради. Буортмалар йилдан йилга ортиб бораётгани шубоисандир.

Шуни таъкидлаш ўринлики, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотлардан жуда кўплаб бино ва иншоотлар қурилишида фойдаланилди. Жумладан, пенобетон енгиллиги, иссиқни яхши сақлаши, ўрнатишда қулайлиги билан харидорларнинг

Корхонада яратилган кичик дастгоҳлар за айниқса тадбиркорларга қўл келади. Ушбу технологик ускуна қуввати билан икки смёнда 80 кубометр пенобетон ишлаб чиқариш мумкин. Айтиш жоизки, бу ускуна патентланган ва сифат сертификатига эга, қисқа вақт ичда — ой ойда ўзини қоплайди.

Пенобетон ишлаб чиқариш учун тайёрланган пеноконцентрат маҳсулоти ҳам сертификатланган. Бугунги кунда корхонада кўплаб турдаги пеноблок ва плиткалар ишлаб чиқарилмоқда, шунингдек қурилиш-тқлаш ишларини амалга ошириш бўйича хм буюртмалар олинади.

СИФАТИ КАФОЛАТЛАНГАН

Бугунги кунда турли соҳаларда полиэтилен қувурлардан самарали фойдаланилмоқда.

«Махсус полимер заводи» масъулияти чекланган жамиятида сув ва газ, босимли қувурлар, улар учун бириктирувчи деталлар, қатқат қувурлар, филтратлар, томчилаб сўғорш тизимлари, совуқ ва иссиқ сув қувурлари ишлаб чиқарилади. Бу борада Германиянинг «Battenfeld» ва «Drossbash» технология усуналаридан фойдаланилади..

Таъкидлаш жоизки, корхонада тайёрлаётган қувурлар мамлакатимизнинг сув таъминоти, мелиорация ва ирригация тизимида кенг ишлатилиб, Россия, Қозоғистон, Тоикистон ва Қирғизистонга ҳам экспорт қилнмоқда.

МУНОСИБ ҲИССА БЎЛМОҚДА

Кўча ва майдонларимиз, йўлларимиз файзу таровати кундан кунга ортиб борапти. Бу борада айниқса турли плиткалардан кенг фойдаланилаётгани йўлларимизга ўзгача чирой бермоқда.

Бундай мустаҳкам қурилиш ашёлари ўимизда тайёрланаётгани қувонарлидир.

«Тротуар» масъулияти чекланган жамиятида «вибропресс» технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган йўлак плиткалари тез сакда харидорларни топди. Ҳозирда бундай плитка турлари 20 хилни ташкил этмоқда. Ўн йиллик хизмат кафолати мuddатига эга бўлган қрхона маҳсулоти маҳаллий хом ашёдан тайёрланади.

— Ўтган йилда етти-саккиз киши билан12 турдаги маҳсулот тайёрлаган бўлсак, жойий йилда уларнинг сафи 25 нафарга етиб,20 хилдан ортди, — дейди корхона директори Нодир Қосимов. — Ўтган йилда янги дасоҳ ўрнатиб, 500 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик. Асосий эътибон сифатга қаратганимиз боис кўплаб буюртлар тушмоқда. Насиб этса, жорий йил охиригача ишлаб чиқариш ҳажминини 1 миллид сўмга етказамиз.

Корхона «Бунёдор» стадиони, «Самарқад» автовокзали, бошқа қурилиш объектлари ун буюртмаларни вақтида етказиб бериб, содончиликка муносиб хисса қўшмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА (Ўза)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августда қабул қилинган "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунинг ёрқин далилидир. Мазкур ҳужжат етим, ота-она меҳридан бебаҳра болаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни турар жой билан таъминлаш тартибини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

– Меҳрибонлик уйларидаги уй-жойга муҳтож тарбияланувчилари аввал ҳам турар жой билан таъминланар эди, – дейди ЎЗА муҳбирига Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурдаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби Мадамин Раҳимов. – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жорий йилнинг август ойда қабул қилинган қарори бу ишларни янада юқори даражада ташкил этиш имконини бермоқда. Унда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан мақсадли коммунал уй-жой фондидagi уйлардан ёки вақтинча фойдаланилмаётган, давлат мулки бўлган ётоқхоналардаги, уй-жойлардаги ҳамда кўп қаватли уйларда бўш турган квартиралардан турар жой берилиши белгилаб қўйилган.

Айни пайтда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа ташкилотлар томонидан фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уй-жойлар ва кўп қаватли уйлардаги бўш турган хонадонлар негизда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун оилавий ётоқхоналар ва квартиралар ташкил этиш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига фойдаланиш учун берилишини ёки улар балансида ўтказилишини белгиланган тартибда таъминлашга эътибор қаратмоқда.

Мазкур қарор билан тасдиқланган низомга кўра ўзларига бириктирилган турар жойга эга бўлмаган ва турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, улар тоифасига кирадиган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган шахслар тегишли тартибда турар жой олиш ҳуқуқига эга. Турар жойлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси доирасида, Ўзбекистон Республикасининг

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларни ҳеч кимдан кам бўлмаган, мустақил фикрли, ҳар томонлама баркамол шахс этиб вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг қатор фармон ва қарорлари, давлат дастурлари ўғил-қизларимизни ҳар жиҳатдан ҳимоялаш, уларга таълим ва тарбия бериш, ҳаётга ижтимоий мослашуви ва жамиятда ўз ўрнини топишига яқиндан кўмаклашишда муҳим омил бўлмоқда.

2010 йил – Баркамол авлод йили

ҲАР БИР БОЛА — ЭЪТИБОРДА



Уй-жой кодексига мувофиқ ижара шартномаси асосида берилади.

Тошкент шаҳрининг туманлари ва таълим муассасалари кесимида турар жойга эга бўлмаган тегишли ёшдаги етим болалар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар аниқланиб, уларнинг рўйхати такомиллаштирилди. Мақсадли коммунал уй-жой фондидagi уйлардан ёки вақтинча фойдаланилмаётган, давлат мулки бўлган ётоқхоналардаги, уй-жойлардаги ва кўп қаватли уйлардаги бўш турган квартираларни улардаги маиший шароитларнинг ёш оилаларга яшаш учун мос келиши нуқтаи назаридан инвентаризациядан ўтказиш юзасидан ишчи гуруҳи тузилди. Бугунги кунда ушбу гуруҳ томонидан етим ва ота-она меҳридан бебаҳра болалар учун турар жойларни тўлиқ ҳисобга олинишини ҳамда мавжуд маълумотларни мунтазам янгилаб борилишини таъминлаш мақсадида турар жойларнинг электрон маълумотлар банки шакллантирилди.

Тошкент шаҳрида бугунги кунга қадар 269 нафар етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар доимий уй-жой билан таъминланди. Берилаётган турар жойлар қулай ва шинам бўлиши, белгиланган санитария талабларига, техник меъёрларга жавоб беришига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимиздаги олти Меҳрибонлик уйида 627 нафар бола тарбияланмоқда. Уларнинг ота-онаси, яқинлари ва қариндошлари, манзили, мулк ҳуқуқи атрофлича ўрганилмоқда. Қарорга мувофиқ, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш учун Меҳрибонлик уйларида юборишда туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан унинг яшаш жойи бўйича турар жойини болада сақлаб туриш қафолати белгиланади. Бириктирилган турар жойга эга бўлган етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар Меҳрибонлик уйида бўлган тўлиқ даври ёки Қуролли Кучлар сафида хизматни ўташ даврида турар жойга

бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади.

– Муассасамизга келган ҳар бир боланинг ота-онаси, яқинлари, уй-жойга муҳтожлиги ҳақидаги маълумотлар пухта ўрганилади, таҳлил этилади, – дейди Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйи директорининг ўринбосари Гулнора Холова. – Негаки, бу ердаги тарбияланувчиларнинг аксарияти мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолганлардир. Турар жой масаласи болаларнинг келгусида ўқиши, касб-хунар эгаллаши, меҳнат қилиши, оила қуришида ҳаётини муҳим масалалар билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳужжатларни ўрганишда архив идоралари, нотариал ташкилотлар, ФХДЭ бўлимлари, ҳокимликлар, маҳаллалар, ер ресурслари ва давлат кадастри бўйича бўлимлар ва бошқа тегишли муассасаларга мурожаат қилинмоқда. Ҳужжатларни атрофлича ўрганиш жараёни болага бириктирилган уй-жой ҳақида ёки унинг турар жойга муҳтожлиги ҳақидаги ҳолис маълумотни янада ойдинлаштириш имконини беради.

Болаларга таълим-тарбия бериш баробарида уларни ижтимоий-педагогик қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-ҳуқуқий кўмак, касбий мослашуви, Меҳрибонлик уйдан кейинги даври, ҳуқуқбузарлик профилактикаси каби йўналишлар бўйича ҳам пухта иш олиб борилади. Айни пайтда тарбияланувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, уларда ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкентдаги 22-Меҳрибонлик уйи бош тарбиячиси Нина Верещагинанинг айтишича, мазкур муассасада тарбияланаётган турар жойга муҳтож болаларнинг ҳақ-ҳуқуқларига оид барча муаммоларни ҳал этишга катта аҳамият қаратилмоқда. Бунда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасидаги ҳамкорлик ижобий самара бермоқда. Ҳозирга қадар ушбу масканнинг ўн олти нафар собиқ тарбияланувчиси турар жой билан таъминланди.

Бундай эзгу ишлар юртимиздаги барча Меҳрибонлик уйларида амалга оширилмоқда.

Назозат УСМОНОВА

ПУХТА БИЛИМ ВА МАЛАКА

Тошкент Гидрометеорология коллежи Марказий Осиёда соҳада ягона таълим муассасаси саналади. Бу ерда етти йўналишда таълим ва тарбия ишлари олиб борилади. Жумладан, гидрометеорология, телекоммуникация ва алоқа тизимлари, радиотехник таъминлаш воситалари каби иختисслар алоҳида эътибор берилади.

Ишлаб чиқариш амалиётини ўташи учун коллежда етти йўналиш бўйича тегишли корхона ва ташкилотлар билан беш йил муддатга шартномалар тузилган. Билим даргоҳини битирганлар муайян корхона ва ташкилотларга ҳамда гидрометеорология хизмати марказига ишга жойлашади.

Бу ерда берилаётган билим замонавий андозаларга мос келаётганлигини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Битирувчилар эгаллаган касби бўйича ишга жойлаштирилмоқда. Жумладан, метеорология ва гидрология йўналишлари бўйича ўқувчиларни гидрометеорология хизмати маркази ўз оталигига олган. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, битирувчиларга диплом билан бирга меҳнат дафтарчаси ҳам топширилади.

Бутунжаҳон метеорология ташкилоти билан ҳамкорлик ҳам яхши натижа бераётир. Ҳар ойда коллежга ушбу ташкилотдан турли мавзудаги плакатлар, расмлар, мавзуга оид маълумотлар келиб туради. Малайзияда уюштирилган ўқув машғулотида иштирок этиш учун йўлланмалар ҳам берилди.

КАФЕДРА НАШРЛАРИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясидаги «Хор дирижёрлиги» кафедраси ўзининг 60 йиллигини нишонлади.

Ўтган йиллар давомида яратилган ўқув адабиётлари профессор-ўқитувчилар изланишлари самараси янглик босма юзини кўрди.

Кафедранинг моддий-техника негизи янги технологиялар ҳисобига бойиди. Энг сўнги русумдаги компьютер қурилмаларидан ҳам таълим жараёнида кенг фойдаланилмоқда.

Музыка санъатини тарғиб этиш, улар ҳақидаги янги маълумотларни оммалаштиришда ҳам турли воситалари қўл келмоқда. Яқинда чоп этилган «Хор дирижёрлиги» қўлланмаси энг яхши ўқув адабиёти деб топилди.

Акбар АЛИЕВ

ГИЁВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Аср вабоси деб аталмиш гиёвандлик бугунги кунда бутун дунё аҳлини хавотирга солмоқда. Ушбу касалликнинг энг кўрқинчли белгиси - шахннинг ўзлигини йўқотиши. Бундай одам ижтимоий жамият учун ниҳоятда хавфлидир.

Мутахассислар фикри билан айтганда, гиёвандлик инсон руҳиятининг бузилишига, соғлиги ёмонлашуви, шунингдек ўзини ва атрофдагиларни ҳам иқтисодий етишмовчиликка олиб келади. Гиёвандлар жиноят содир этишга мойил бўлади, чунки уларнинг иродаси заиф ва улар ўзининг хатти-ҳаракатини идора эта олмайди. Шуниси дахшатки, гиёванд модда фақат асаб, жигар ва юрак хужайраларини ўлдириб қолмай, балки одамнинг ўзлигини ҳам ўлдирди.

Тошкент Давлат техника университетидида «Гиёвандлик – аср вабоси» мавзусида ўтказилган давра суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги наркотик моддалар устидан назорат қилиш миллий маркази ҳамда шаҳар наркология диспансери, республика ОИТСга қарши курашиш маркази вакиллари, ўқитувчилар ва 700 дан зиёд талаба иштирок этди.

Долзарб мавзуга бағишланган суҳбат чоғида гиёвандлик энг хавфли иллат эканлиги, унинг салбий оқибатлари, бу йўлга кириб қолишдан эҳтиёт бўлиш чоралари ҳақида маърузалар тингланди, ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши борасида спорт билан фаол шугулланиши, турли хил тўғарақларга қатнашиб, хунар ўрганиши хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Талабалар қизиқтирган саволларига мутахассислардан жавоб олишга муваффақ бўлишди.

Дилором ИКРОМОВА

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Маънавият ва маърифат марказида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўриктанловининг олий таълим муассасаларино босқичи бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази, Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан иштирокчи, изланувчан талаба-ёшлар иштирок этди. Танловнинг биринчи босқичида олий таълим му-

ЙИЛНИНГ ФАОЛ ТАРҒИБОТЧИСИ

ассасаларида таҳсил олаётган 500 га яқин ўғил-қизлар, иккинчи босқичида — 67 нафар профессор-ўқитувчилар ва маънавий-маърифий йўналишда фаолият юритаётган ходимлар иштирок этди.

Ҳакамлар ҳайъати ахборотига кўра, танлов иштирокчисини баҳолашда номзоднинг маънавий маърифий ишларида фаолиги, оммавий ахборот воситаларида чиқишлари, нутқ маҳорати, таъсирчанликка эришиш йўлидаги изланишлари, мамлакатимиз ва жаҳон ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид маълумотлардан оқилона фойдалана олиш маҳорати инобатга олинади. Шунингдек, ёшлар аудиториясида нутқ сўзлаши, уларнинг муаммоларини чуқур билиши, ўсмирда ташаббускорлик, фидойилик ва миллий гуруҳ туйғуларини шакллантиришга ёндошиш қобилиятига алоҳида эътибор қаратилади.

– Таъкидлаш жоизки, ушбу танловни ўтказишдан кўзланган мақсад миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналарини, бугунги кундаги ривожланиш тамойилларини ҳақида аниқ мақсадларга қаратилган тарғибот ишларини кенг омма ўртасида олиб боришдан иборат, — деди «Туркистон-пресс» муҳбирига ҳайъат аъзоси Сурайё Икромова. — Ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқатли қилиб тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини тарғиб қилишга йўналтирилган. Танлов ғолиблари аниқланиб, ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Азима ҚИЁСОВА

ЁШЛАР — ЮРТ ТАЯНЧИ

Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида аввало фарзандларимиз саломатлиги, уларнинг жисмонан ва руҳан етук бўлиб вояга етиши мужассамдир.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, республикамиз аҳолисининг 11,8 миллиони ёшлар ташкил қилади. Шунинг ўзи ёш авлод саломатлигига эътибор бериш қанчалар муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Кейинги йилларда қабул қилинган қўллаб-қувватлаш дастурларида ҳам асосий эътибор аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила тиббий маданиятини ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, «Соғлом оила — соғлом бола» тизимини ҳаётга ичкил татбиқ этишга қаратилди.

Бу борада болалар ва ўсмирлар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш йўлида олиб борилаётган изланишлар самараси ҳақида гап борганда, айтиш жоизки, ўсиб келаётган ҳар бир боланинг табиатида ўзига хос хусусият яширин бўлади. Айниқса, ўтиш давридаги ўсмирлар руҳиятида ўзгаларнинг меҳрига, эътиборига муҳтожлик бўладики, бу ота-оналардан фарзанд билан мунтазам суҳбатлашиб, уларнинг

ҳолидан бохабар бўлиши талаб этади. Ўғил-қизларнинг аксарияти ўз ички кечинмаларини бировга айтишга урғундир. Яна ҳам аниқроғи, улар атрофдагиларга ишонмайди. Халқимизга хос андиша туйғуси фарзандларимизга ўзида бўлаётган физиологик ўзгаришларни ошқор қилишга ҳар доим ҳам йўл беравермайди. Оилада, мактабда ва ташкилнинг барча босқичларида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш катта аҳамиятга эга. Мамлакатимизда ўғил-қизларимизни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, таълим-тарбия бериш, саломатлигини мустаҳкамлаш барча жабҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг пировард мақсади десак, адашмаймиз.

Баркамол авлод йилида бу борада янада самарали ишлар амалда оширилмоқда. Мамлакатимиз Президенти фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, замонавий билимларни эгаллаши учун давлат

ва жамият томонидан муносиб шароит яратиш хусусида қуйидаги фикрларни билдирадилар: «Халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улғун керак бўлса, энг муқаддас мақсад деб билишди». Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилда, дарҳақиқат, бу йўналишдаги эзгу ишлар кўлами янада ортди.

Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «2009-2013 йилларда репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини оширишга чора-тадбирларни дастури тўғрисида»ги қарори ёш оилаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишга қаратилган тарғибот тадбирлари мунтазам равишда ўтказилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Баркамол авлод йилида тарғибот тадбирлари кўлами янада ошди. Хусусан, Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали томонидан ўсмирлар, талаба-ёшлар

ўртасида жойларда қўллаб-қувватлаш, мутахассислар билан учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, барча касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда «Соғлом оила — соғлом бола» мавзусида семинар-тренинглар ташкил этилди. Тадбирларда «Ўсмир қизлар гигиенаси», «Тўғри овқатланиш ва камқонлик» мавзуларида савол-жавоблар уюштирилди.

Бундан мақсад, албатта, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг тиббий маданиятини оширишдир. Бундан ташқари, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини оширишда илҳом берди. Шу мақсадда барча оилавий поликлиникаларда турмуш оstonасида турган ёшларимиз иштирокидаги «Ёш оила қурувчилар мактаби» ташкил қилинди. Оилавий ҳаёт сабоқлари, оилада соғлом муҳитни шакллантириш, соғлом фарзандлар дунёга келтириш, уларни қиммат инсон қилиб тарбиялашга йўналтирилган ўқув-тарбиявий соатлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Азизбек НИЗАМОВ, Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали бўлими бошлиғи

Спорт янгиликлари



БОКСЧИЛАРИМИЗ ЧЕМПИОНЛИК УЧУН КУРАШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган уч босқичли тайёргарлик дастурига биноан боксчиларимизнинг мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши учун кенг шароит яратилди.

Хитойдаги Осиё ўйинлари боксчиларимиз учун 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарлик вазифасини ўтайди, — дейди ЎзА муҳбирига бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси Шароф Худойбердиев. — Шу билан бир қаторда бу нуфузли мусобақада терма жамоамиз аъзоларининг имкониятлари синовдан ўтказилади.

«Китъа олимпиадаси», деб эътироф этилган Осиё ўйинларида 1994 йилдан буён мунтазам иштирок этиб келаётган Ўзбекистонлик чарм кўлқоп усталари 13 олтин, 5 кумуш, 9 бронза, жами 27 медалга сазовор бўлган. Боксчиларимизнинг 2002 йили Жанубий Кореяда ва 2006 йили Қатарда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллагани ўзбек бокс мактаби салоҳияти ва имконияти юқорилигининг яна бир амалий тасдиғидир.

Гуанчжоу шаҳри мезбонлик қилаётган навбатдаги Осиё ўйинларида ҳам мух-

Жорий йилнинг 12-27 ноябрь кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказиладиган Осиё ўйинларининг бокс мусобақасида тўлиқ таркиб — 10 нафар чарм кўлқоп устаси билан қатнашадиган Ўзбекистон миллий терма жамоаси бўлажак беллашувларга пухта ҳозирлик кўрмоқда.

лису мутахассисларнинг боксчиларимиздан умиди катта. Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан спортчиларимиз бўлажак мусобақага пухта ҳозирлик кўриши учун етарли шароит яратилди. Боксчилар малакали мураббийлар ва мутахассислар раҳбарлигида кўп босқичли машғулотлари ўтамоқда. Ҳамюртларимиз июнь ойида Эквадорнинг Кито шаҳрида Ўзбекистон, Пуэрто-Рико, Доминикан Республикаси ҳамда мезбонлар ҳамкорлигида ўтказилган машғулотларда қатнашиб, тажриба ва маҳоратини оширди.

Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида пойтахтимизда ташкил этилган ўқув-машғулоти йиғинларида боксчиларимиз билан бирга Жазоир ва Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоалари вакиллари ҳам қатнашди.

Осиё ўйинларида иштирок этадиган бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркиби нуфузли мусобақаларда қайд этилган натижалар асосида шакллантирилмоқда. Жорий мавсумда спортчиларимиз йигирмадан зиёд халқаро бокс турнирида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллади. Терма

жамоанинг асосий таркибидан жой олган икки қарра жаҳон чемпиони Аббос Атоев ва AIBA президенти кубоги соҳиби Орзубек Шоимов Финляндиядаги «Gee-Bee», Хуршид Тожибоев ва Уктам Раҳмонов Болгариядаги «Strandja Memorial», Шахрийёр Исоқов Россиядаги «Rorpenchenko Memorial», жаҳон чемпионати кумуш медал соҳибдори Элшод Расулов ва Мирзохид Абдуллаев Украинадаги «Makar Mazay Memorial» халқаро турнирларида олтин, Жасур Латипов, Сардор Абдуллаев, Санжар Раҳмонов ушбу мусобақада кумуш медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Осиё ўйинларида тайёргарликни Тошкент вилоятидаги Янгиобод спорт базасида ўтамоқда. Бу ердаги ўқув-машғулоти йиғинларида терма жамоанинг асосий таркибидан жой олган етакчи чарм кўлқоп усталари билан бирга заҳирадаги боксчилар — Рафиқ Султонов, Рамз Аҳмедов, Алишер Маҳмудов, Фазлидин Ғойибназаров, Азамат Эргашев, Умид Салаев ва Камолдин Аҳмедов каби истеъдодли ёшлар ҳам қатнашмоқда.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛЧИЛАРИ — ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ФИНАЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Рақиб жамоа биринчи бўлимнинг охирида жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлди. Бу вазиятда Самуэль Жон Чаппл бурчакдан зарба берди ва посбонимиз Ганишер Холмуродов тўпни қайтара олмади — 1:1.

Уйиннинг иккинчи ярмида Алексей Евстафеев шогирдлари янада кўпроқ ҳамда шиддатлироқ ҳужум уюштиришга муваффақ бўлди. Натижада беллашув якунланишига бир неча дақиқа қолганда Аббос Махситалиев австралияликлар посбони Пол Давид Иззони доғда қолдириб, галаба тўпини киритди.

Ярим финал учрашувида 2:1 ҳисобида зафар қучган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 7 ноябрь кун Осиё чемпионати финалида тўп суради.

(ЎзА)

«SPORT-EXPO-2010» КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўرғазмалар залида очилган кўрғазма иккинчи маротаба ташкил этилмоқда.

Тадбир Республика шарқ яққаурашлари ва жанг санъати маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Ўзбекистон-ноат» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўрғазма жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, федерациялар билан спорт жихозлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган.

Баркамол авлодни тарбияладиган спортнинг ўрни муҳим. Шу боис ҳам ҳукуматимиз томони-

дан бугун республикамизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт мажмуалари қурилмоқда, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбирига Таъқондо федерацияси халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Сарвар Шомурсаров. — Спорт иншоотларининг маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган замонавий жихозлар билан таъминланганлиги таҳсинга лойиқ. Бундай ислохотларнинг самараси ўлароқ спортчиларимиз кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Жумладан, Таъқондо WFTF бўйича Олимпиада ўйинлари иштирокчиси, халқаро турнирлар ғоли-

би Акмал Эргашев, кикбоксинг ва универсал жанг бўйича кўп қарра чемпион Алишер Абдуллаев, муай-тай бўйича жаҳон чемпиони Мавлонбек Қаҳҳоров сингари спортчиларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Кўрғазма павильонларида мамлакатимиздаги 24 та яққаураш федерацияси ўз тарихи, эришган ютуқлари, фахрли спортчилари ҳақида ҳикоя қилувчи фильм ва фотосуратлар, шунингдек маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган махсус спорт анжомлари ва кийим-кечаклар намойиш этилмоқда.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА



ШУҲРАТ — ТУРНИР ҒОЛИБИ

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида оғир атлетика бўйича уюштирилган «Қироллик кубоги» халқаро турнири Ўзбекистон терма жамоасига омад келтирди.

Айниқса, оғир атлетиканинг даст кўтариш йўналишида 125 килограмм, силтаб кўтаришда 164 килограмм натижа оғирликни ўзига бўйсундирган спортчи Шухрат Шомуродов шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллаб, олтин медал билан тақдирланганлиги қалбларни фаҳрга тўлдирди.

Турнирда 2 та олтин, 13 та кумуш ва 6 та бронза медалига сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Биринчи ўрин эса Таиланд терма жамоасига насиб этди.

Наманган вилоят Олимпия заҳиралари спорт коллежиди қизлар ўртасида баскетбол бўйича мамлакат чемпионати мусобақалари ташкил этилди.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — СОВРИНДОР

Тошкент шаҳри ва мамлакатимиз вилоятларидан таширф буорган 6 та терма жамоа иштирокидаги баҳслар шиддатли курашларга бой, қизиқарли кеңди. Яқунда эса Наманган вилояти терма жамоаси биринчи ўринни кўлга киритган бўлса, иккинчи ўрин Тошкент шаҳри жамоасига насиб этди. Чемпионатда анча сермазмун ўйин кўрсатган андижонликлар учинчи ўрин билан кифояланишди. Шунингдек, фахрли ўринларни кўлга киритган терма жамоаларга мусобақа ташкилотчиларининг диплом ва совринлари тақдим этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

МУРАББИЙЛАР МАЛАКА ОШИРМОҚДА

Осиё футбол конфедерацияси махсус дастури бўйича пойтахтимизда мураббийлар машғулотлари ўтказилмоқда.

Ўтган йили илк бор ОФКнинг ушбу дастури бўйича ташкил этилган ўқув курсида фақат маҳаллий мураббийлар таҳсил олган эди. Бу йил ўзбекистонлик мураббийлар сафига Қувейт, Туркманистон, Қирғизистон мамлакатлари мутахассислари ҳам қўшилди. Тўрт босқичда ташкил этилган ушбу ўқув курслар-

нинг учинчи босқичи 30 декабрда якунланди.

Тўртинчи босқич машғулотлари келгуси йилнинг январидан апрель ойига қадар давом этади. Яқунловчи босқични мураббийлар ўз клубида амалиёт тарзида ўтказиш ва имтиҳондан ўтади. Сўнг расмий ҳужжатлар Осиё футбол конфедерациясига юборилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилмиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 12.12.2009 йилдаги 1-326/09-сонли ижро варақасига асосан, Ҳамза тумани Боткина кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони 106 кв.м. бўлган, Ирмоқ ўйнамасининг офиси кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 49 484 179 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 14 декабрь кун соат 11.00да бўлиб ўтади.

Савдога кўйилган кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамий кўчаси, 1-а-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,

236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2612 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1235

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ